211293

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 декабрь, пайшанба. №154. (21.917). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРДАГИ ВА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий адолатни таъминлаш, одамларнинг қимматли қоғозларга ва банклардаги омонатларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, аҳолининг жамғармаларини ҳимоя қилиш мақсадида:

1. 1996 йилдан бошлаб:

аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида омонатда турган пул маблағларини;

аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган ҳаётни, болаларни суғурта қилиш, никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўловларини босқичма-босқич индексация қилиш зарур деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларидаги ва Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида омонатларда турган пул маблағларини индексация қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда республикада доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар эгадирлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Марказий банк, Халқ банки:

ўтган даврдаги нархлар индексининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг 1-бандда кўрсатилган омонатларини индексация қилиш бўйича зарур ҳисоб-китобларни амалга оширсинлар;

аҳолининг омонатлардаги индексация қилинган жамғармаларини, шунингдек узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини тўлашни ягона тартиби ва муддатлари тўғрисидаги низомни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки, Давлат суғурта бош бошқармаси, тижорат банклари:

барча омонатларни ҳамда ҳаётни, болаларни ва никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини рўйхатдан ўтказсинлар ҳамда уларни индексация қилсинлар;

1996 йил 1 мартгача бўлган муддатда «Индексация» махсус счётлари очсинлар, унга 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган аҳолининг омонатлардаги пул маблағларини киритсинлар;

1996 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан паспорт, республикада доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан яшаш гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар томонидан паспортнинг ўрнини босувчи тегишли ҳужжатлар тақдим этилишига кўра очилган «Индексация» махсус счётлари бўйича омонат дафтарчалари берсинлар;

аҳолига омонатлардаги индексация қилинган пул маблағларини ва узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадалларини тўлашни 1996 йил 1 июлдан бошлаб, тўлов йилига боғлиқ равишда табақалаштирилган миқдорларда, ўн йил давомида босқичма-босқич амалга оширсинлар.

5. 1992 йил 1 январдаги ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган аҳоли омонатларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кўрсатиб ўтилган омонатларни ўз манбалари ҳисобидан индексация қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига, тижорат банкларига аҳолининг омонатлардаги тикланган пул маблағларига «йўқлаб олинадиган» омонатлар бўйича амалдаги белгиланган фоиз ставкаларидан келиб чиқиб йиллик фоизлар тўлаш тавсия этилсин.

Инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили фоиз ставкалари миқдорлари қайта кўриб чиқилсин.

7. Аҳоли омонатларини ва давлат суғуртаси шартномалари бўйича тўловларни тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Халқ банки ҳузурида «Қоплаш фонди» республика жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ҳузуридаги «Қоплаш фонди» республика жамғармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат бюджети маблағлари, шунингдек банк муассасаларининг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари «Қоплаш фонди»ни шакллантириш манбалари этиб белгилансин.

8. Индексация қилиш ва аҳолининг пул жамғармаларини тўлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 2-иловага мувофиқ таркибда Республика комиссияси тузилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида, туманлар ва шаҳарларда тегишли комиссиялар тузсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
1995 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ ҲУЗУРИДАГИ «ҚОПЛАШ ФОНДИ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

«Қоплаш фонди» республика жамғармаси аҳолининг 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган омонатларни ва суғурта бадалларини индексация қилиш ҳамда омонатчиларнинг индексация қилинган пул маблағларини тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ташкил этилади.

Низом «Қоплаш фонди» республика жамғармасини шакллантириш манбалари ва ундан фойдаланиш тартибини белгилаб беради. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, барча банклар ва бюджетдан ташқари фондлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

1. «Қоплаш фонди»ни шакллантириш манбалари ва тартиби

1. «Қоплаш фонди» Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондларнинг йиллик бадаллари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади.

2. «Қоплаш фонди»нинг 50 фоизи бюджет маблағлари ҳисобидан, 50 фоизи эса банкларнинг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади.

3. Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари тўлиқ қайтариш учун ташкил этилади.

4. Халқ банкининг келаси йилга ҳисоб-китоблари аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш бўйича Республика комиссиясига ҳар бир йилнинг 1 октябридан кечикмасдан тақдим этилади.

5. Молия вазирлиги республика бюджетини шакллантиришда ҳар йили «Қоплаш фонди»ни тўлдириш учун ажратиладиган маблағларни йил ҳораклари бўйича тақсимлаган ҳолда бир йилга зарур маблағларни назарда тутади.

6. Халқ банкида «Қоплаш фонди»га тушувчи маблағларни жамлаш ва ҳисобга олиш учун махсус счёт очилади.

7. Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлар ҳар йили «Қоплаш фонди» бадаллари учун ҳар бир йилга аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш бўйича Республика комиссияси томонидан белгиланадиган улушларда зарур маблағларни назарда тутадилар.

8. Молия вазирлиги, Марказий банк, Халқ банки, тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлар йилнинг чорагида (ҳоракнинг биринчи ойининг 10-кунига қадар) «Қоплаш фонди»га республика комиссияси белгилаган миқдорларда маблағ ўтказадилар.

9. 1997 йилдан бошлаб «Қоплаш фонди» маблағларини шакллантириш чоғида ушбу фонднинг бўш турган маблағларини кредит ресурслари сифатида бозор ставкалари бўйича тижорат банкларига беришдан олинадиган даромадлар ҳисобга олинади.

2. «Қоплаш фонди»нинг маблағларидан фойдаланиш

«Қоплаш фонди»дан «Индексация» махсус счётларидан аҳолига индексация қилинган суммаларни тўлаш учун фойдаланилади.

Халқ банки муассасаларидаги «Индексация» махсус счётларида йўқлаб олинмаган суммалар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маблағлардан тижорат банкларига бозор ставкалари бўйича бериладиган кредит ресурслари сифатида фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки «Қоплаш фонди»га маблағларнинг ўз вақтида тушишини ҳамда аҳолига индексация қилинган суммалар берилишини ҳар ойда ҳисобга олиб боради ва доимий назоратни амалга оширади.

Халқ банки йилнинг ҳар чорагида тугаган йил чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига «Қоплаш фонди»га маблағлар тушиши ва улардан фойдаланиш ҳақида ҳисобот тақдим этади.

***

«Қоплаш фонди» республика жамғармасига маблағлар тушиши ва сарфланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юклатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
1995 ЙИЛ 20 ДЕКАБРДАГИ ФАРМОНИГА 2-ИЛОВА

АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРДАГИ ВА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

1. **ҲАМИДОВ Б. С.** — Бош вазирнинг ўринбосари, Молия вазири —Комиссия раиси
2. **МУЛЛАЖОНОВ Ф. М.** — Марказий банк бошқаруви раиси, Комиссия раисининг ўринбосари
3. **МУҲИТДИНОВ Н. Ф.** — Халқ банки бошқаруви раиси, Комиссия раисининг ўринбосари
4. **ВАЛЬДМАН С. М.** — Давлат суғурта бош бошқармасининг раиси вазифасини бажарувчи, Комиссия раисининг ўринбосари
5. **ОБИДОВ О.** — Меҳнат вазири
6. **АЛМАТОВ З.** — Ички ишлар вазири
7. **ГАТАУЛЛИН Ш. К.** — Давлат солиқ қўмитаси раиси
8. **ГОЛИШЕВ В. А.** — Президентнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси
9. **МИРСАФОЕВ С. М.** — Адлия вазири
10. **МУСТАФОЕВ Б.** — Бош прокурор
11. **КАРИМОВ Р. К.** — Вазирлар Маҳкамасининг умумиқтисодиёт бўлими мудири
12. **САИДОВА Г. К.** — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
13. **ИБОДОВ А. И.** — «Ўзсаноатқурилишбанк» бошқаруви раиси
14. **САЙФУТДИНОВ Ж. Б.** — «Пахтабанк» бошқаруви раиси
15. **ТЕМИРОВ Ш.** — «Маҳалла» жамғармаси раиси
16. **ХОЛМАТОВ М. Т.** — Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлимининг шўъба мудири — Комиссия котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АҲОЛИНИНГ ОМОНАТЛАРДАГИ ВА ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ БЎЙИЧА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Давлат ижтимоий сиёсатининг бундан кейинги туб вазифаларидан бири — 1992 йилгача бўлган даврда омонатга пул қўйган аҳолига нисбатан адолатни тиклаш, омонатга қўйилган пулларнинг «қотириб қўйилиши» ва қадрсизланиши натижасида республикада 5 миллион кишининг омонати ўз харид қобилиятини йўқотди.

Ўтган йилларда аҳоли томонидан омонатга қўйилган маблағларни тўлиқ қайтариш учун катта миқдордаги пул ресурсларини қидириб топиш зарур эди. Бундан ташқари ҳали миллий валюта муомалага киритилмаган эди. Ва ниҳоят, ўтган йиллари инфляция суръатларининг юқори бўлиши омонатларни тиклашга қаратилган исталган чора-тадбирларни амалда йўққа чиқарар эди — йил бошида индексация қилинган омонатлар ярим йил — бир йилдан кейин яна қадрсизланар эди.

Ўзбекистон ўз валютасига эга бўлган, инфляция амалда «жиловланган», ишлаб чиқариш барқарор ривожланаётган бугунги кунда ушбу муҳим вазифани ҳал этиш имкони туғилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони айнан мана шу муносабат билан қабул қилинди.

Ушбу Фармонда нималар назарда тутилади?

Биринчидан, ва энг муҳими, ўтган даврда нархлар ўсиши ҳисобга олинган ҳолда аҳолининг Халқ банки ва Давлат суғурта бош бошқармаси муассасаларида турган омонатлари ҳамда ҳаётни, болаларни суғурта қилиш суғурта пуллари, никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари тўлов суммалари индексация қилинади. Шуни таъкидлаш зарурки, гап 1992 йил 1 январгача бўлган ҳолатига кўра ва 1996 йил 1 январгача амалда бўлган омонатлар ва тўлов суммаларини индексация қилиш ҳақида бормоқда.

1992 йил 1 январдан кейин ёпилган омонатлар бўйича счётлар ва суғурта шартномалари, яъни 1996 йил 1 январгача омонатлардаги пул маблағлари ва суғурта қопламалари берилган счётлар-индексация қилинмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари ва республика ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан паспорт, яшаш гувоҳномаси, ҳарбий хизматчилар томонидан эса тегишли ҳужжатлар тақдим этилгач, улар омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Учинчидан, Фармон кўрсатиб ўтилган омонатларга ва суғурта шартномасига эга бўлган республикадаги ҳар бир кишига белгиланган тартибда ва белгиланган муддатда ҳисоблаб чиқилган пул маблағларини олишни кафолатловчи аниқ чора-тадбирлар мажмуини назарда тутади.

Бунда, 1996 йил 1 июлдан бошлаб аҳолининг барча тикланган ва индексация қилинган омонатларига инфляциянинг ҳолати ва қўшимча даромадлар олинишини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкалари тўланади, яъни тикланган омонатлар омонатга фоиз ставкалари тўланиши баробарида изчил ўсиб боради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун республика ҳукумати томонидан амалий ҳаракатларнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган. Энг аввало, банклар, ва давлат суғурта бош бошқармаси муассасалари томонидан барча омонатлар ҳамда ҳаётни, болаларни суғурта қилиш суғурта пуллари ва никоҳ кунида бериладиган узоқ муддатли суғурта шартномалари бўйича суғурта бадаллари тўлиқ қайта рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Марказий банк томонидан 1992 йил 1 январдан буён ўтган даврда нархлар индекси ўсиши ҳисобга олинган ҳолда аҳолининг омонатлари бўйича зарур ҳисоб-китоб ишлари бажарилади. Улар томонидан индексация миқдорлари, аҳолининг индексация қилинган жамғармаларини табақалаштирилган ҳолда тўлашнинг ягона тартиби ва муддатлари тўғрисидаги низом тайёрланади. Ушбу низом билан газеталар ва банк муассасаларида танишиш мумкин.

Ушбу ҳужжатлар асосида 1996 йил 1 мартгача «Индексация» махсус счётлари очилади, аҳолининг пул маблағлари ана шу счётларда жамланади. 1996 йил 1 июлгача бундай счётнинг ҳар бир эгасига янги омонат дафтарчаси берилади.

Ушбу омонат дафтарчалари бўйича тўловларни бериш тартиби, миқдорлари ва муддатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади ва матбуотда эълон қилинади. Улар билан банк муассасаларида ҳам танишиш мумкин бўлади. Индексация қилинган пул маблағларини аҳолига тўлаш 1996 йил 1 июлдан бошланади. Тўловлар тўлов йилига боғлиқ равишда табақалаштирилган миқдорларда ўн йил давомида босқичма-босқич амалга оширилади.

Тўловлар бўйича мавжуд имкониятлар ҳисобга олинган ҳолда тўловларнинг қуйидаги миқдорлари белгиланган: 1996 йилда — йиллик фоиз ставкалари қўшилган ҳолда омонат умумий миқдорининг 10 фоизи, 1997 йилда — 20 фоизи, 1998 йилда — 30 фоизи берилади ва ҳоказо.

Аҳолига пул маблағларини босқичма-босқич тўлашни таъминлаш мақсадида Халқ банки ҳузурида махсус «Қоплаш фонди» ташкил этилади. Ушбу фонд давлат бюджети маблағлари, шунингдек банк муассасаларининг, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади.

Индексацияни амалга ошириш ва аҳолига пул маблағларини тўлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, зарур мувофиқлаштириш ишларини ва назоратни таъминлаш учун махсус Республика комиссияси тузилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида, Ўзбекистоннинг ҳар бир тумани ва шаҳрида ана шундай комиссиялар ташкил этилади. Ушбу комиссиялар раисларига омонатларнинг тўғри ва асосли индексация қилиниши ҳамда маблағларни тўлашда тартиб бузилишларга йўл қўйилмаслиги учун шахсий жавобгарлик юкланади.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бугун, 21 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 21 декабрь куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасида

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IV сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг тавсиялари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. У мамлакатимиз парламентининг бўлажак сессияси кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф этилаётган масалалар давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожида муҳим ўрин олиши ҳамда уларнинг ХДП дастурий ғоя ва мақсадларига тўла мос тушишини алоҳида қайд этди. Сиёсий ижроқўм шундан келиб чиқиб, Олий Мажлисдаги партиямиз фракцияси аъзоларига сессиянинг таклиф этилаётган кун тартиби, шунингдек, муҳокамага қўйилаётган қонун ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ва Фуқаролик кодекси биринчи қисмининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда), Марказий банк, Банклар ва банк фаолияти, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ва бошқа бир қатор муҳим, давлат аҳамиятига молик, ҳужжатлар бор.

Сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилаётган қонун ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Олий Мажлис қўмиталарида ишлаётган, Ўзбекистон ХДП-сий, тарғибий ишларда газеталарининг имкониятларига таянишга ҳаракат қилмоқдалар. Рўзномаларни чиқариш билан боғлиқ масалалар партия кенгашлари ижроия бюроларида кўрилмоқда, пленумларда бу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоят Кенгашларининг ўз матбуот нашрларига раҳбарлиги тўғрисидаги масалани кўриб, шуларни таъкидлади. Бироқ, дейилди мажлисда, ташкилотларимизнинг ўз даврий матбуотларига раҳбарлик ишида изчиллик ва талабчанлик етишмайди. Улар таҳририятларнинг фаолиятини аниқ мақсадга йўналтириш, истиқболий иш режаларини тасдиқлаш, эълон қилинаётган мақолаларни вақти-вақти билан таҳлил қилмаяптилар. Натижада, жойлардаги аҳвол, ташкилотларимиз фаолиятининг таҳлили, камчиликларни очиб ташлаш, асосли танқид, кейинги пайтларда, газеталаримиз саҳифаларида кўринмай қолди.

Сиёсий ижроқўм юқорида номлари келтирилган партия кенгашларига ўз матбуот нашрларига қилаётган раҳбарлиги талаблар даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди. Уларга газеталар фаолиятини тубдан яхшилаш, таҳририятлар таркибини обрўли партия ходимлари, фаоллар ҳисобидан кучайтириш, уларнинг ХДП аъзолари, аҳоли ўртасида тарқалишини яхши йўлга қўйиш, журналистларнинг ибратли ишларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини кўришни топширди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми ҳудудий бошланғич партия ташкилотларини тузиш, мажбудлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Хўш, бу муҳим ҳужжатда қўйилган вазифалар қандай бажарилмоқда? Сиёсий ижроқўм шу ҳақдаги ахборотни тинглаб, 1995 йилда янгидан 295 та бошланғич партия ташкилоти тузилганини, уларнинг сони 13 мингтадан ошганлигини, шу давр мобайнида худудий ташкилотлар миқдори 440 тага кўпайиб, бугунги кунда 3 минг 775 тани ташкил этишини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда, пленумнинг бу борадаги кўрсатмасини амалга оширишда жиддий камчиликлар борлиги ўқтирилди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари зиммасига оммавий-сиёсий, тарғибот ва ташвиқот ишларини, асосан, истиқомат жойларида ўтказишни таъминлаш, бунда ҳудудий бошланғич партия ташкилотларининг иштирокини кучайтириш вазифасини юклади. Шу мақсадда, уларнинг диққат-эътибори Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларида олиб борадиган ишларини ташкил этишга доир Марказий Кенгаш тавсияларини тезроқ бажариш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишга қаратилди. Худудий партия ташкилотлари котиблари ва бошқа фаолларига амалий-услубий ёрдам беришни яхшилаш, самарали фаолият кўрсатаётган ташкилотлар негизида семинар-кенгашлар, тажриба алмашувларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг навбатдаги XV пленумини 1996 йил 27 январда чақиришга қарор қилди. Марказий Кенгашнинг 1996 йил биринчи ярми давридаги фаолияти иш режасини тасдиқлади.

Мажлисда партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўрилиб, улар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг тавсиялари

Олий Мажлис тўртинчи сессияси кун тартибига, дейилади ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми қабул қилган қарорда, давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини киритиш назарда тутилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (иккинчи ўқишда) ва Фуқаролик кодекси биринчи қисмининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда), Марказий банк, Банклар ва банк фаолияти, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ва бошқа бир қатор муҳим, давлат аҳамиятига молик, ҳужжатлар бор.

Сессия кун тартибига киритиш учун таклиф этилаётган қонун ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда Олий Мажлис қўмиталарида ишлаётган, Ўзбекистон ХДП-дан сайланган депутатлар фаол иштирок этдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва Фуқаролик кодекси биринчи қисми, Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳалари бўйича фракциямиз аъзолари ва партиямиз кенгашларидан олинган таклифлар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Котибиятига тақдим этилди. Уларнинг энг муҳимлари қонун лойиҳалари матнларини тайёрлашда ҳисобга олинган.

Қабул қилинажак қонун ва қарорларнинг мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этиш, туб ислоҳотларни амалга оширишни жадаллаштиришда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини ҳамда уларнинг партиямиз дастурий мақсадларига мослигини ҳисобга олиб, Сиёсий ижроия қўмита Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси аъзоларига таклиф этилаётган сессия кун тартиби, шунингдек, муҳокамага қўйилаётган қонун ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир лойиҳа бўйича фракциямизнинг умумий нуқтаи назарини ҳимоя қилишни тавсия этди.

Сиёсий ижроқўм партиямиз ташкилотларининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси якунларига доир вазифалари тўғрисидаги масалани Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленуми муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми республика Олий Мажлисининг барча депутатлари партиямизнинг ушбу нуқтаи назарига хайрихоҳлик билдириб, парламентимиз навбатдаги сессиясининг ишчанлик ва аҳиллик руҳида, муҳокамаларнинг юксак сиёсий маданият узанларида, тартибли ўтишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, фракциямиз аъзолари эса бу ишда ибрат кўрсатадилар, деб ишонч билдирди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида

ИШЧАН ВА БАҲАМЖИҲАТ БЎЛАЙЛИК

20 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимиз Олий Мажлисидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси кун тартибига таклиф этилаётган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов шу ҳақда маъруза қилди.

— Мамлакатимиз парламенти тўртинчи сессияси кун тартибига, — деди у,— юртимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган йигирмадан ортиқ масала киритилаётир. Сессиялар муҳокамасига қўйилаётган қонун лойиҳалари, бошқа ҳужжатлар сонининг тобора ортиб бораётганлиги мамлакатимизнинг ҳуқуқий давлатни бунёд этиш сари изчиллик ва сабот билан бораётганлигидан далолатдир.

Маърузачи сессия кун тартибидаги масалаларнинг кўплигини ва уларнинг аксарияти муолажавий тусга эга эканлигини айтиб, йиғилганлар диққат-эътиборини, ўз аҳамияти жиҳатидан, бошқаларига нисбатан устун, деб ҳисобланган масалаларга тортди. Булар — иккинчи ўқишдаги Меҳнат ва Фуқаролик (1-қисми) кодекслари, Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби, Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Марказий банк, банклар ва банк фаолияти, давлат мукофотлари тўғрисидаги қонунлар лойиҳаларидир. Маърузачи ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини таърифлаб, уларнинг партиямиз дастурий мақсадларига тўла мос эканлигини алоҳида қайд этди. Шундан кейин, у, ХДП-дан сайланган депутатларнинг сайловчилар олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши хусусида гапирди.

Сессия кун тартибига киритилаётган юқоридаги ва бошқа масалалар бўйича музокараларда Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Б. Раҳимов, «Андижон» агросаноат фирмаси бош директори И. Ваҳобов, Қашқадарё вилояти фахрийлар ташкилотлари кенгаши раиси С. Усмонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д. Ғуломова, «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Алимбоевлар қатнашдилар.

Йиғилиш, якдиллик билан, фракция аъзоларига Олий Мажлис тўртинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартибини қўллаб-қувватлашни ҳамда унда қабул қилинажак қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда парламентга ХДПдан сайланган депутатларнинг фаол иштирок этганликларини, қонунлар лойиҳалари матнларида фракция фикр-мулоҳазаларининг энг муҳимлари акс этганлигини ҳисобга олиб, уларни асосан маъқуллашни, сессиянинг самарали иш олиб боришига муносиб ҳисса қўшишни тавсия қилди. Унда, шунингдек, фракция номидан тегишли масалалар бўйича сўзга чиқувчилар таркиби белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Бугун—Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси очилади

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИ

Бизнинг парламент масъулиятли ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Қисқа муддат ичида 200 дан зиёд янги қонунлар қабул қилинди. Ўнлаб янги қонун лойиҳалари ўз навбатини кутиб турибди.

Қонунларнинг қабул қилиниши қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи бўлса, уни ҳаётда, амалиётда қўлланиш ва унга риоя қилиш эса иккинчи масъулиятли босқич. Қонунларнинг кенг халқ муҳокамасига чиқарилиши унинг салмоғини оширмоқда, таъсирчанлигини таъминламоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Прокуратураси судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи, Республика прокуратураси ҳайъат аъзоси, адлия катта маслаҳатчиси, юридик фанлари номзоди Бахтиёр ПЎЛАТОВга мурожаат этдик.

СУРАТДА: Олий Мажлис тўртинчи сессияси депутатларини рўйхатга олиш пайти.
Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

— Матбуотдан маълум бўлишича, Меҳнат кодекси лойиҳаси юзасидан муассаса, ташкилот, корхона, меҳнат жамоалари ва фуқаролардан кўплаб таклиф, фикр-мулоҳазалар келиб тушмоқда. Бу эса республикамиз фуқароларининг жамият ҳаётига доир масалаларга бефарқ эмасликларидан далолат беради. Шу таклиф ва мулоҳазалар асосида жамият учун зарур бўлган етук қонун қабул қилинади, деб ишонамиз.

— Бахтиёр Халилович, Олий Мажлиснинг тўртинчи сессияси муҳокамасига киритилган янги Меҳнат кодекси лойиҳаси билан танишгансиз. Шу борада тавсия, таклифлар туғилган бўлса, марҳамат.

— Амалдаги Ўзбекистон Меҳнат қонунлари кодекси тоталитар давлат ва давлат мулки монополияси шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиб, ўша даврга мос бўлиб, ҳозирги бозор муносабатларига жавоб бермай қўйди. Янги Меҳнат кодекси эса меҳнат муносабатларини бозор ва хилма-хил мулкчилик шакллари шароитида ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳада амалдаги кодексга нисбатан ишга кирувчиларни меҳнат ҳуқуқи кафолатлари янада кенгроқ ва батафсилроқ ёритилган. Ишловчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоатчи вакиллик органлари тармоғи кенгайтирилибди. Меҳнат муносабатларининг илгари назарда тутилмаган жуда кўп жиҳатлари акс эттирилиб, уларни қандай тартибга солиниши белгиланган. Аввал муҳим бўлган кўпгина масалалар ойдинлаштирилган. Лойиҳада меҳнат муносабатларининг барча жиҳатлари қамраб олиниб, уларнинг ҳуқуқий ечимини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

— Лойиҳада бир қарашда кўзга ташланадиган камчиликлар бормикан?

— Маълумки, қонун матни ғоят ихчам, қисқа, лўнда ифода этилиши лозим. Лойиҳада «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари жуда кўп такрорланган. Конституциямизда «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлар бир маънони англатади, деб аниқ ёзиб қўйилган. Шу сабабли «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар ўрнига «Ўзбекистон» сўзининг ўзини ишлатиш кифоя қилади. Лойиҳанинг 3-моддасида Меҳнат кодексининг амал қилиш доираси ҳақида фикр юритилган, 11- ва 12-моддаларида ҳам меҳнат ҳақидаги қонунларни қўлланиш доираси тўғрисида ёзилган. Бу охирги икки моддани чиқариб ташлаб, уларнинг матнини 3-модда билан бирлаштирилса, кодекснинг амал қилиш доираси ҳақида тўлиқроқ тушунча келиб чиқади. Ҳамда фикр бир моддада жамланади. 6-моддада «ижтимоий келиб чиқиш» сўзларидан кейин «фуқаролиги» сўзини қўшиб қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Чунки ҳозирда Ўзбекистон ҳудудида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган кўплаб кишилар меҳнат қилмоқдалар. Шу сабабли уларнинг ҳам меҳнат қилиш ҳуқуқларини назарда тутиш керак бўлади.

— Яна қайси моддалар устида ишлаш лозим деб ҳисоблайсиз?

— Кодекс лойиҳасининг 14-моддасида ходим-меҳнат муносабатларининг субъекти эканлиги ёритилган. Бизнинг фикримизча, бу моддадан олдин битта моддада меҳнат муносабатларининг субъектлари кимлиги, улар ҳақида умумий тушунча бериб, уларнинг барчасини турлари бўйича бир жойнинг ўзида санаб кўрсатилса, кодексни ўқиётган одамда субъектлар тўғрисида тез, осон ва умумлашган тасаввур пайдо бўлади. Худди шундай 18-модданинг 2-қисмида «ходим билан корхона ўртасидаги меҳнат алоқасининг хусусияти» деб кўрсатилган. Қонуннинг ўзида хусусият тушунчасини шарҳлаб ўтиш лозим.

77-моддада «Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин», деб кўрсатилган. Бу моддада фақат ота-онанинг розилиги билан чегараланмай, балки ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг ҳам розилигини олиш лозим деб ёзиш керак.

Иш вақти деб номланган VII бобга «Иш вақти меъёрлаштирилмайдиган хизмат соҳаси бўлиши мумкин эмаслиги» ҳақида алоҳида модда киритилиши керак. Бундай модданинг кераклиги шундаки, кишини ўта толиқтириб, тинкасини қуритадиган иш турлари ва хизмат соҳалари бўлишининг олдини олиш керак. Ёки шундай иш соҳаларининг борлиги, фавқулодда ҳолат бўлиб, бундай ишларда ишловчи ходимлар эса шунга яраша имтиёзларга эга бўлиши лозим.

80-моддада ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар кўрсатилган. Шу моддаси I-қисми 1-бандида «паспорт» сўзидан кейин «ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжатларни» сўзлари чиқариб ташланса, тўғри бўлади деб ўйлаймиз. Негаки, паспортни нг ўрнини бошқа ҳеч қандай ҳужжат босмаслиги керак.

— Энди жазога оид бандлар ҳақидаги фикрингизни билсак бўларди.

— Лойиҳанинг 182-моддаси 3-бандига «Жазо турлари босқичма-босқич, яъни биринчи маротаба ҳайфсан, сўнг жарима, учинчи маротаба меҳнат шартномасини бекор қилиш жазоси қўлланилмай, балки содир қилинган ножўя ишни оғирлик даражасига қараб у ёки бу жазо қўлланилади. Жазонинг оғирлиги — айбнинг оғирлик даражасига мос келиши керак» деб қўшимча киритиш лозим. Шу бандининг ўзига «Интизомий жазо қўлланиш муддатини қасддан ёки эҳтиётсизликдан ўтказиб юборган масъул ходим бунинг учун ўз хизмат бурчини бажармаганликда гуноҳкор ҳисобланиб, ўзи интизомий жазога тортилиши лозим» деб қўшимча киритиш зарур. Бу қонун мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари тўғрисидаги 161-модданинг 4-бандида «Жамоа шартномасида иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканлиги учун жавобгарлик кўзда тутилиши мумкин» дейилган. Бизнинг фикримизча, бу жавобгарлик Меҳнат кодексининг ўзида аниқ белгилаб қўйилиши ҳамда кечикиш муддатларига кўра иш берувчидан жарима ундириш жорий этилиши керак.

Лойиҳанинг 289-моддасини «Ёшга доир пенсия суғурта қилинган ходимларга умумий асосларда: эркаклар — 55 ёшга тўлган бўлиб, умумий меҳнат стажи 20 йилдан кам бўлмаган тақдирда тайинланади» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқдир.

— Янги Меҳнат кодекси лойиҳаси умуман олганда пойдевори қўйилган ҳуқуқий демократик давлатнинг, унда яшовчи фуқароларнинг манфаатларига тамомила мос келмоғи керак-да. Шундай эмасми?

— Биласизми янги Меҳнат кодекси лойиҳаси билан танишиб шундай хулосага келдим. Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бу қонун Конституциямизда қайд этилган инсон ҳуқуқларига содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш принциплари ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш каби юксак мақсадга хизмат қилади.

Қурбон АЛИ
суҳбатлашди.

Муштарий билан мулоқот

«ГАЗЕТАГА ГАПИМ БОР...»

Янги йил арафасида Хоразмнинг Боғот туманида «Ўзбекистон овози» газетхонлари билан учрашув бўлиб ўтди. Газета бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов тўпланганларга ижодий жамоанинг 1996 йилги режалари ҳақида гапирди, газетхонлар фикри таҳририятнинг доимий эътиборида эканлигини таъкидлади. Шу тариқа мароқли суҳбат бошланиб кетди...

Ғайрат МАШАРИПОВ, ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби, республика Олий Мажлиси депутати: «Сўз — ҳам кучли, ҳам кескир бир қуролдирки, уни эҳтиёткорлик билан, оқилона ишлатмоқ зарур», — деган эди мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида. Бу кўрсатма замирида катта фалсафа ва ҳақиқат бор.

Дарҳақиқат, газета — ҳаёт кўзгуси. Ҳаётни англаш, унинг моҳиятини илғаш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри тушуниш, албатта кўзгудаги манзараларнинг намоёнига бир қадар боғлиқдир. Кўп кишилар (шу жумладан мен ҳам) эрталабдан ўз ишини газета ўқишдан бошлайди. Бу бежиз эмас. У билан юз кўришиб турмаган, мулоқотда бўлмаган кишининг ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, ўзи учун тўғри йўл танлаши, истиқболни кўра билиши қийин кечади.

Шакаржон ХЎЖАНИЁЗОВА, туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати: Мустақиллигимизнинг тўрт йилида туманимизда иқтисодий ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Халқимиз руҳияти мустақиллигимизнинг янги шароитлари билан уйғунлашди. Бугун келгусига ишонч билан боқаётган тадбиркор, ишбилармон, чорвадор ва бошқа соҳа меҳнатчилари она-Ватанга муҳаббати тўлиб-тошиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пахтакорларимиз жорий йилда 25 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етиштириб элга берилган ваъдани уддалашга муваффақ бўлдилар. Деҳқонларимиз ғалла мустақиллигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Буғдой, шоли ялпи ҳосили ошди. Сабзавот, гўшт, сут етиштиришдаги ишларимиз халқимизни ана шу маҳсулотлар билан тўлароқ таъминлаш имкониятини яратиб бермоқда. Ободонлаштириш тез суръатларда олиб бориляпти. Аҳоли хонадонларини газлаштириш 90 фоизга етказилди, тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, мана шу ишларни амалга оширишда бизга газета энг яқин маслаҳатчи, кўмакдош бўлиб келаётир.

Яна бир гап: Яқинда «Ахборот»да қашқадарёлик бир ҳунармандинг маслаҳати берилди. Телевизор экранида бу кўрсатув «лип» этиб ўтди, биз ҳалиги устанинг таклифини илғай олмадик. Шу каби тажрибалар газета саҳифаларида берилса, бафуржа танишиш имконига эга бўлардик.

Рўзимбой ҲАСАН, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири: «Ўзбекистон овози» билан ижодий фаолиятимнинг бир қирраси ўзига хос ришталар билан боғланган. Мен мана шу Қулонқорабоғ қишлоғида туғилганман. Газетхонлар учрашувининг она қишлоғимда ўтаётганидан бениҳоя хурсандман. «Ўзбекистон овози» муштарийлари билан мулоқотнинг айнан «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ўтказилаётганлигининг ўзи ҳам размий маъно касб этади. Биз ҳар доим газетада чоп қилинган муаммоли мақолаларни биргаликда таҳлил этамиз. Негаки, газета нашр қилина бошлаган кунларданоқ давр руҳи билан, ҳаёт билан бирга нафас ола бошлади. У йиллар силсиласидан, қийинчиликлардан муваффақиятли ўтди, ҳар доим эл-юрт манфаатларини мардона ҳимоя қилди, ҳақиқатни сўзлади. Биз газета жамоасининг Баҳоуддин Нақшбанд, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий каби юзлаб маънавиятимиз юлдузларини тарғиб қилишда, қадриятларимизни тиклашдек улуғвор ишда, илм-фан ривожига салмоқдор ҳисса қўшишда жонбозлик қилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Газета даргоҳи биз журналистлар учун чинакам тобланиш, тажриба мактаби бўлиб келмоқда. Бу ерда ҳозир ҳам қалам тебратаётган оқсоқол журналистлар ва улар мураббийлигида камол топиб элга танилаётган ёш ҳамкасбларим борлигидан фахрланаман.

Холмурод КУРБОНОВ, ЎзХДП туман кенгаши иккинчи котиби: Мен олдинги «Қизил Ўзбекистон», сўнгра «Совет Ўзбекистони», кейинги йилларда «Ўзбекистон овози» номи билан чиқаётган ушбу газетанинг олтмишинчи йиллардан буён мухлиси-ўқувчисиман. Ўзбекистондаги энг етук олимлар, адабиётнинг бешигини табратган адиблар — барининг фаолияти шу газета билан боғлиқ. Элга танилган ёзувчилар Ш. Рашидов, И. Раҳим, С. Аҳмад, М. Исмоилий, Ҳ. Ғулом — айтаверсак яна бир талай таниқли олимлар — буларнинг бари шу даргоҳ таълимини олган кишилар. Шу даргоҳ бир вақтлар улар учун, ҳозирда бизлар учун маълум бир дорилфунун бўлиб хизмат қиляпти. Ҳадислардан олинган «Ватанни севмак иймондандир» деган ажойиб ҳикматли сўзлар рўзноманинг байроғидек унга кўрк ва мазмун бахш этиб туришининг ўзи нашрдан кўзланган мақсад, унинг моҳиятини, йўналишини аниқ-равшан акс эттириб турибди. Мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларидан: иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти тўғрисида, Президентимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат, адабиёт ва санъат, тарих, маънавиятимиз масалаларига оид дилтортар мақолаларнинг, чет эл ҳаётига, ҳамдўстлик давлатлари турмушига оид қизиқарли ва ибратли хабарларнинг бериб борилиши рўзноманинг ўқишли чиқишига, унинг халқчиллигига ёрдам беряпти. «Ўзбекистон овози»нинг ҳар бир янги сонини кўлга оларканман, ҳаёт томирларини сезгандек бўламан. Бироқ газета муҳарририятига, унинг вилоятимиздаги мухбирига ХДП туман кенгаши котиби сифатида, ҳам бир бир куюнчак газетхон сифатида шундай истагим бор: Воҳамизда, шу жумладан бизнинг Боғот туманимизда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қилиниши лозим бўлган ва қилинаётган кўламдор ишлар борасида тез-тез муаммоли мақолалар, партия ҳаётидан турли мазмундаги хабарлар, лавҳалар кўпроқ бўлса, вақти-вақти билан «Раис нега ҳафа?», «Кўринмас одамни излаб» каби фойдали танқидий материаллар берилиб борилса янада яхшироқ бўларди.

Мадрим ХУДОЙБЕРГАНОВ, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси: Янги йил арафасида Қулонқорабоғ қишлоғида «Ўзбекистон овози» муштарийлари билан ўтказилаётган бугунги мулоқот, жамоа хўжалигимиз аҳлини ғоят хурсанд қилди. Йил якуни яхши сарҳисоб қилинаётган бир пайтга тўғри келди. Пахтакорларимиз энг қисқа вақт ичида режани ошириб адо этишди. Улар 1010 гектар майдондан она-Ватан хазинасига 3 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкди. Ана шу салмоқли хирмон хом ашёсининг даромади ҳам ўзига яраша бўляпти. Бу соҳадан режа бажарилгандаёқ 26 миллион сўмдан ошиқ даромад кўрилди. Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам натижалар чакки бўлмади.

***

Газетхонлар учрашувида ўндан зиёд киши сўз олди. Учрашув тобора қизғин тус олиб, таклиф, истак, танқидий мулоҳаза — мунозара, баҳслашув кечасига айланди. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ёшлари номидан гапирган Отабек Шомуродов газета саҳифаларида ёшлар ҳаётига оид, уларнинг бўш вақтларини ташкил қилиш муаммолари тўғрисидаги, деҳқон қизи Барно Ражабова мамлакатимиздаги илғор хотин-қизлар, жамоатчи аёллар тўғрисида, уларнинг расмлари билан тез-тез газета саҳифаларида бериб, элга танитиш лозимлигини, уста деҳқон Жумабой Бакиев, жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти котиби Сафобой Бобожоновлар оила мустаҳкамлиги, тотувлиги борасида, ёшларни тарбиялашда маҳалланинг, маҳалла қўмиталарининг қишлоқ оқсоқолларининг ўрни, фаолияти борасида, қишлоққа саноатни олиб келиш масалалари тўғрисидаги материалларнинг, бугунги кун қаҳрамонлари тўғрисидаги ўқишли, қизиқарли очерк, ҳикоялар бериб боришни тавсия қилдилар.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ФРАНЦИЯДАГИ ИШ ТАШЛАШ ҲАҚИДА

Франция ҳукуматининг ижтимоий ҳимоя соҳасини ислоҳ қилиш ҳақидаги қарорига қарши ҳаракат қилаётган давлат сектори ишчи ва ходимларининг норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

Темир йўл ва шаҳар транспорти ходимларининг иш ташлаши оқибатида миллионлаб французлар кўпгина қийинчиликларга дуч келишди. Иш жойига вақтида келиш ва кечқурун уйига қайтиш учун кўплаб шаҳарликлар одатдагидан тўрт-беш баравар кўпроқ вақт сарфлашди. Ваҳолонки, уларнинг кўпчилиги шаҳар атрофида яшайди. Шу боис улар ўзига хос чора топишди. Чунончи, баъзи одамлар Париж шаҳрида яшайдиган қариндош-уруғларникида ёки ҳозирги мураккаб шароит муносабати билан нархи туширилган меҳмонхоналарда тунашга мажбур бўлишмоқда.

Кўп кишилар эса ҳаракат учун ягона йўл сифатида велосипед, мопед ва мотороллерни танлашди.

Одамлар турлича бўлганларидек, уларнинг имкониятлари ҳам турлича. Пули кўп жанобларга, асосан йирик бизнесчиларга «Элифранс» жамияти вертолётлар ажратди. Бу вертолётлар эса уларни Париждан тўғридан-тўғри хоҳлаган аэропортларига элтиб қўяди. Хизмат кўрсатиш ҳақи эса 200 дан 300 долларгача. Бу маблағ бемалол Париждан Ниццага ёки Берлинга бориш учун етади.

Ҳозир эса Париждагиларга айрим имтиёзлар берилганлиги туфайли улар иш ташлашни тўхтатишди. Бироқ Лион, Монпелье ва бошқа шаҳарларда иш ташлаш давом этмоқда.

• Россия Давлат думасига бўлиб ўтган сайловларда дастлабки тўртта ғолиб блок аниқланди. Марказий сайлов комиссияси сўнгги ҳисоб-китобларни қилгач, яна қайси блоклар беш фоизлик тўсиқни босиб ўтгани аён бўлади.

Ҳозирча 225 бир мандатли округлардан 179 тасида овозлар ҳисоблаб чиқилди. Бир мандатли округлардан депутатликка сайланганлар орасида 45 нафар РФКП, 15-Россия аграр партияси, 12 — «Яблоко» бирлашмаси, 9- «Россия бизнинг уйимиз» жамоатчилик ҳаракати, 8-Гайдар блоки, 5-РОК, 3-Иван Рибкин блоки, 2-«Олға Россия», 2-«Россия аёллари» ҳаракати вакиллари бор. 8 партия ва блоклардан бир нафардан номзод депутатликка сайландилар. Қолган 60 мандатни ҳеч бир партия ва блокларга тегишли бўлмаган, сайловчиларнинг ўзлари кўрсатган мустақил номзодлар эгаллайдилар.

ХХХ

• Хитойнинг шимоли-ғарбий вилояти — Цинхайда кучли зилзила рўй берди. Мамлакат сейсмология хизмати вакилларининг хабарига кўра, ер силкинишининг кучи мазкур вилоят ва Тибет мухтор туманида Рихтер ўлчови бўйича 6,2 баллга етган. Офатдан жабр кўрганлар ва вайронагарчилик ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

ХХХ

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995 йилда дунё бўйича тўғридан-тўғри сарфланган хорижий сармоялар ҳажмини эълон қилди.

БМТнинг савдо ва трансмиллий корпорацияларни ривожлантиришга бағишланган конференцияси докладида, жорий йилдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилга нисбатан 235 миллиард долларга кўпайиб, жами 2,6 триллион долларни ташкил этгани таъкидланди.

ХХХ

• Россияда қишнинг қаттиқ келиши туфайли кишиларнинг совуқдан музлаб қолиш ҳоллари кўпайиб бораётгани мамлакат врачларини ташвишга солмоқда. Маълум бўлишича, декабрь ойининг бошидан буён 25 нафар москвалик киши кучли совуқ туфайли ҳаётдан бевақт кўз юмган. Биринчи ноябрдан буён эса жами 229 нафар киши совуқ уриши туфайли ҳалок бўлди. Энг ачинарлиси шундаки, уларнинг орасида болалар ҳам бор.

ХХХ

• Афғонистондаги вазият ўта мураккаблигича қолмоқда. Бу ердаги хунрезлик ва биродаркушлик уруши халқаро ҳамжамиятни қаттиқ ташвишга солаётир.

Қобул радиосининг хабар беришича, ҳукуматга мухолиф бўлган «Толибон» ислом ҳаракати қуролли бўлинмалари мамлакат пойтахтини яна ўққа тутди. Натижада тинч аҳоли орасидан 12 нафар киши ҳалок бўлган.

ХХХ

• Профессионал бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон ўзининг чемпионлик тожини қайтариб олишга жиддий аҳд қилди.

У ўзининг навбатдаги жангида филадельфиялик машҳур боксчи Бастер Мэтис иккинчи билан учрашди. Тож даъвогари М. Тайсон учрашувининг учинчи бўлимидаёқ рақибини муддатидан илгари мағлубиятга учратди. Бу унинг профессионал рингдаги 44-жангидир. Тайсон шулардан 43 тасини ғалаба билан якунлаган.

Жаҳон чемпиони тожи учун ҳал қилувчи баҳсни М. Тайсон 1996 йилнинг 16 мартида Буюк британиялик Фрэнк Бруно билан ўтказади.

ЛЎНДАСИНИ АЙТГАНДА...

• «ЛУК ДЖАПЭН» журнали: Японияда демографик аҳвол таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда 65 ёшдан ошган қариялар сони ортиб бораяпти. 2025 йилга бориб, бу ерда қарилик бўйича ижтимоий кафолатларга муҳтож бўлувчилар сони 55 фоизга етади.

• РАТА-ТАСС: Шу йилнинг 7 декабрида ном-нишонсиз йўқолган ТУ-154 самолёти қолдиқлари Хабаровск ўлкасидаги Бо-Джоуса тоғи атрофида топилди. Самолёт Ғарбий Гроссевичдан 50 километр нарида ҳалокатга учраган. 97 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари тақдири номаълум, тахминларга кўра, улар ҳам ҳалок бўлишган.

СЕНЕГАЛ. Бу ердаги баъзи мактаблар шундай тўсинлар билан безатилган.

АСАХАРАНИНГ ОЛТИНЛАРИНИ ИЗЛАШЯПТИ

Токио шаҳар округ судининг «АУМ синрикё» диний мазҳабига тегишли мулкни ҳисобга олиш ҳақидаги қарори чиққандан кейин диний мазҳаб етакчиси Асахаранинг яширин бойликларини қидиришга киришилди. «АУМ синрикё»нинг фақат ҳокимият томонидан бугунгача рўйхатга олган мол-мулки 12 миллион долларни ташкил этар экан. Ушбу диний мазҳабнинг мамлакат 12 префектурасидаги банк ҳисоблари, мол-мулки рўйхатга олинди. Қидирув натижасида Асахаранинг шахсан ўзига тегишли ҳар донаси бир килограммга яқин 10 та олтин ёмбиси, Фудзиномия шаҳридаги ер ости бункерларидаги сейфда эса 7 миллион АҚШ доллари топилди. Полициячилар фикрига кўра, бу диний мазҳаб етакчисининг «қора кун» учун яшириб қўйган бойликларининг бир қисмигина, холос.

ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда 100 минг киши илон, чаён ва бошқа заҳарли ҳашаротлар дастидан ҳалок бўляпти. Бундай ачинарли ҳолларнинг асосий қисми Лотин Америкаси, Африка ва Осиёнинг тропик ҳудудларида юз бермоқда. Ривожланган мамлакатларда эса замонавий медицина усуллари ёрдамида илон чақишидан ҳалокатга учраганлар сони нисбатан кам бўляпти.

Масалан, АҚШда ҳар йили 45 минг илон чақиши рўйхатга олинган. Лекин тиббиётчилар кўмаги билан илондан азият чекканларнинг деярли барчаси соғ-омон қолишган. Австралияда ҳам ўта заҳарли илонлар бўлишига қарамасдан 500 илон чаққан одамдан фақат иккиси ўлган.

Лекин ривожланаётган мамлакатларда аҳвол бутунлай бошқача. Заҳарли илон, чаён ва бошқа ҳашаротлар заҳридан кўплаб одамлар вафот этмоқда.

КИМГА АЗА...

Маълумки, шу йил 4 ноябрида Тель-Авив шаҳрида Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабинга нисбатан суиқасд уюштирилиб, у қўпорувчи Игал Амир ўқидан ҳалок бўлганди. Тель-Авивда юз берган машъум бу воқеани номаълум бир киноҳаваскор видеокамера орқали суратга олишга муваффақ бўлган экан. Яқинда ушбу киноҳаваскор бу видео тасвир кассетасини Исроилдаги хусусий телеканалга 400 минг долларга пуллади. Шунга айтсалар керакда, кимга аза, кимга тўй, деб.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мулоҳаза

ХАРИДОР «ҚИРОЛ» БЎЛА ОЛАДИМИ?

Ҳамкасбларим билан пойтахтдаги Марказий универмаг ёнбошида жойлашган,янги дўконларни айланиб чиқдик. Бундан аввал Олой, Фарҳод ва Эски Жўва бозорларидаги ҳамда Навоий кўчасидаги савдо расталарини кўздан ўтказгандим. Айтиш керакки, республикамизнинг ҳамма ерида, бошқа тармоқлар каби дўконлар қурилиши ҳам тоза авж олган. Назаримда уларнинг сони ўн баравар, балки ундан ҳам зиёдга ошганга ўхшайди. Булар ҳам мустақиллигимиз мевалари.

Ўйлагандикки, ана энди чин маънодаги бозор қонуни кучга киради, яъни савдода рақобат пайдо бўлади, харидор учун кураш бошланади, мижозларни кўпайтириш тадорикини кўрадилар деб. Аввало бизга — харидорларга эътибор ортади, муомала маданияти ошади, кишилар эҳтиёжини ҳисобга олиб, молларнинг турини кўпайтирадилар, шундай бўлгач, нарх-навода ҳам бизнинг фойдамизга ўзгаришлар бўлиб турса керак, деган хаёлларга боргандик. Зеро, фойда бирни иккига пуллашда эмас, балки иложи борича кўпроқ савдо қилишда. Бу — азалий ёзилмаган қонун. Илгари замонларда бизда ҳам, ҳозирги пайтда эса тараққий этган мамлакатларда ҳам агарда мол ўтмай қолса, ундан қутилиш мақсадида ўз баҳосида эмас, балки ҳатто зарарига ҳам сотиб юборишади.

Тошкентдаги савдо дўконларидан олган дастлабки таассуротлар биз кутган, ният қилган муддао ҳозирча рўёбга чиққанича йўқлигини кўрсатмоқда. Аввало, деярли барча дўконларда, кўчакўйлардаги савдо нуқталарида ҳам деярли бир хил моллар — ўша чет эллардан келтирилган ялтир-юлтирлар. Айтмоқчимизки, инсон эҳтиёжи жуда кенг. Шу маънода молларнинг тури талаб даражасида эмас. Бинобарин, эндигина атакчечак қилаётган савдогарларимиз кишилар эҳтиёжларини ҳар тарафлама пухта ўрганмаётирлар. Тошмат резина сақич олиб келади. Эшмат эса печенье. Демак, шулардан кўпроқ наф кўраётган бўлса керак, деб чет элларга тижоратга борган Пирмат ҳам шундай моллар келтиряпти. Ваҳолонки, элга хизмат қилмоқ ниятида бел боғлаган экан, ўйлаши керак эди: хўш, бизда нима етишмайди, кишилар қандай буюмларни кўпроқ сўрашяпти, ҳозирги пайтда молнинг қайси тури камёб. Майли, Тошмат билан Эшмат ўша резина сақич ва печенье билан савдо қилаверсинлар, мен бошқа тур моллар келтириб, ўзимни кўрсатаман. Агар шундай йўл тутилганда дўкон ва бозорлардаги моллар тури сезиларли равишда кўпайган бўларди.

Энди нарх масаласида. Ўнта дўконга кирсангиз улардаги нарх бир хил. Давлат дўконларими булар, деган хаёлга борасиз. Кузатдик — савдо жуда суст кетяпти. Дўконларнинг баъзи эгалари пашша қўриб ўтиришибди. Нега энди, қадимий савдогарларимизнинг удумини қўлламаслик керак. Барака озида, деб Тошматбой Эшматбойга қараганда моллари нархини арзонлаштирмайди. Билмадиму, лекин менда шундай таассурот қолди, уларнинг ҳаммасини бошқарадиган қандайдир куч бор. Буни энди бозор қонуни деб айта олмаймиз.

Яна бир кўнглимиз ранжигани шу бўлдики, худди ўша — совет давридаги аҳволга дуч келдик. Бу харидор билан муомала, унга эътибор, мижозни кўпайтиришга интилишнинг йўқлиги. Ўша даврларда шундай эди: кишилар харид қиладими йўқми, товар айланиши қандай — бундан қатъи назар, ходим белгиланган ойликни олаверар эди. Мол кўп сотилдими, оз сотилдими — бунинг унга унчалик аҳамияти йўқ эди. Камёб молларга келсак, унда аҳвол бутунлай бошқача эди. Харидор сотувчига ялиниши, илтимос қилиши, зорланиши, булар ҳам иш бермаса, нарх устига «шапка»сини бериши керак эди. Мана шу икки ҳолат савдо ходимлари руҳиятини бутунлай остин-устун қилиб юборганди. Уларда ўзлари харидор учун эмас, балки харидор савдо ходими учун, деган оёғи осмондаги тушунча пайдо бўлганди. Афтидан янги савдогарларимиз бу касофатдан ҳали бутунлай форуғ бўлмаган кўринадилар. Акс ҳолда мана бундай ҳодисаларга дуч келмас эдик. Ўша трамвай айланадиган бекатдаги бир дўконга кирдик. 25—30 ёшлар чамасидаги сотувчи йигит стулда ўтирганича қўлидаги мўъжазгина калькуляторда ниманидир ҳисоб-китоб қиляпти. Биз бир-икки молнинг номини айтиб, шулар борми, деб сўрадик. У эса бошини кўтаргани ҳам йўқ. Бизга боқмаган ҳолда истар-истамас жавоб берди. Чамаси биз унга малол келдик. Иккинчи бир дўконга кирдик. У ерда сотувчи магнитафондан таралаётган қандайдир куй маромига монанд тебраниб ўтирар эди. Яна бир икки молнинг номини айтиб, шулар борми, деб сўрадик. Ажабланганимиз боиси шундаки, у ҳам ўрнидан турмади. Гарчи дўконда биздан ўзга ҳеч зоғ бўлмаса ҳам, бошини сарак-сарак қилиб «йўқ» деган маънони билдирди. Тавба дейишдан ўзга иложимиз қолмади.

Янги шароитда — бозор муносабатлари илдиз отаётган ҳозирда савдо соҳасида хизмат қилаётган ўғил-қизларим, ука ва сингилларимга айтадиган баъзи бир истакларим бор. Сиз эл хизматига чоғлангансиз. Хизматига деган сўзга ургу беринг. Бундай иш — айни савоб. Шундай бўлгач, хизматчига ўхшанг. Одам ёллаб ишлатаётган тўнг ва димоғдор бойваччага эмас. Ишимга ривож берсин, десангиз кишилар кўнглига йўл топишга интилинг, бой бўлгур. Шундай тавозе кўрсатингки, токи шунчаки айланиб дўконингизга кирган киши ҳам бирор нарса харид қилмасдан чиқиб кетишни ўзига эп билмасин. Ўтирган бўлсангиз туринг, турган бўлсангиз, қўлингиз кўксингизда бўлсин. «Хуш келибсиз, хизматга тайёрмиз», дея одоб бобидан хабарингиз борлигини кўрсатинг. Бир-икки бор сиздан мол харид қилган киши билан учрашганда худди эски танишлардек муомала қилинг. Бу билан ҳеч қаерингиз камайиб қолмайди, аксинча, у эндиликда сизнинг доимий мижозингизга айланади. Айтайлик бирор кимса сўраган мол ҳозирча сизда йўқ, лекин кимда ва қаерда борлигини биласиз. Ўша харидорни ўзингизга бойлаб қўйиш ва келгусида доимий мижозга айланиши эҳтимоли борлигини эътиборга олган ҳолда икки кундан сўнг хабар олишини, шу киши учун сиз ўша молни қаердан бўлса ҳам топиб қўйишингизни айтинг. Албатта топинг, бунинг учун бироз вақтингиз кетса ҳам. Сўзингизда туринг. Навбатдаги учрашувда унинг кўзидаги қувонч, сизга бўлган меҳрини кўриб, ўзингиз ҳам алланечук бўлиб кетасиз. Эзгу ишнинг қудрати шундай кучли. Кишилар ҳожатини чиқарувчиларни Оллоҳ ёқтиради, нариги дунёда ҳам уларни ёрлақайди. Буни эсда тутинг. «Холис хизматингиз»га келсак, эндиликда ўша мижоз сизнинг жонли ва бепул рекламангизга айланади. Қаерга борса сиздан гап очади, сизни мақтайди, ота-онангизга раҳматлар ёғдиради. Уларнинг натижаси ўлароқ сиз ўнлаб, балки юзлаб янги мижозларга эга бўласиз.

Отчопар — ҳозирги пайтда бозорларнинг энг каттаси. Тавба, қадам қўйгани жой тополмайди киши. Биров оляпти, биров сотяпти. Хуллас, бозормисан бозор. Чамаси ҳозирги шароитга қараганда шундай кенг жой ҳам ҳийла торлик қилиб қолгандек туюлади бизга. Ҳайратга солгани шу бўлдики, кўпгина буюмлар шаҳар дўконларидагига нисбатан 25—30 фоиз арзон.

— Нега бундай, сабаби нимада, — деб кейинчалик сўрайман Олой бозоридаги дўкондорлардан биридан.

— Мана, қаранг, — дейди у куйиниб, — уларнинг кўпи нарсасини бугун сотади, эртага эса бозорда кўринмайди. Бинобарин солиқ тўламайди, қоровуллик ва фаррошликка киши ёлламайди, телефон, электр, водопровод, канализация ва бошқаларга ҳам бир тийин чегирмайди. Амортизация ҳақидаку тушунчаси ҳам йўқ. Буларнинг бари харажат ва у сиз биздан харид қиладиган молнинг баҳоси устида.

Ҳақ гапни гапирди бу дўкондор. Гапининг тагидан шу нарсанинг иси келадики, биз билмайдиган харажатлар ҳам талайгина экан.

Айтишларича, бундан ўн беш йиллар аввал собиқ СССР даврида Япониядан савдо-тижорат вакиллари келишган экан. Уларга Москов, Ленинград каби етакчи шаҳарлардаги манман деган савдо шахобчаларни кўрсатишган. Сафар қаригач, кунчиқар мамлакатининг вакиллари шарафига зиёфат берилибди. Шу ерда ҳозир бўлган журналистлардан бири меҳмонларга савол берган.

— Агар малол келмаса, жаноблар, мамлакатимизда олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.

Меҳмонларнинг етакчиси бироз ўйланиб қолибди. Сўнг мухбирга ним табассум билан шундай жавоб берибди:

— Биласиз, жаноб, бизда фақат бор ҳақиқат тўғрисида гапирадилар. Кўнглингизга малол келса, аввалдан узр сўраймиз. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бошқа соҳаларни билмадикку, лекин савдода сиздаги ҳамма ишларнинг оёғи осмонда. Ҳа, ҳа, худди шундай — оёғи осмонда.

Меҳмонларнинг бу гапидан шу ерда ҳозир бўлган совет савдоси ташкилотчилари тарашадек қотиб қолишибди.

— Юзларингиздаги ифодадан кўриниб турибдики, гапимизга унчалик тушунмаганга ўхшайсиз, — яна боягидек мулойимлик билан давом этди у. — Бунинг маъноси шуки, бизда — савдо соҳасида қирол — бу харидор, унинг айтгани айтган, дегани деган. У ҳамиша ҳақ, харидорнинг сўзларига бизда эътироз билдирилмайди. Мижозларни очиқ чеҳра билан кутиб олмаган ходим ўша куниёқ ишдан ҳайдалиб паттаси қўлига берилади. Сизларда эса қирол сотувчи экан. Унинг гапи гап,харидор эса унга муте.

Қанчалик аччиқ бўлмасин Япониядан келганлар ҳақ эди. Узоқ йиллар шундай бўлиб келди. Аксарият жойларда сотувчилар харидорни эмас, балки аввало ўзларини ўйлайдилар, ўз манфаатларини кўзлайдилар. Андек эътироз билдириладиган бўлса сизга катта кўчани кўрсатишар эди. Баъзан эса тўрт томонингиз қибла дейишарди.

На чора. Давр, муҳит, вазият уларни ҳам, бизларни ҳам шу ҳолатга солиб қўйганди. Буларнинг бари эски тузумнинг аччиқ данакли меваларидан бири, бошқа тармоқларда бўлганидек, инсоф - диёнат унутилганди, нафс деб аталмиш бало ҳамма нарсадан ғолиб келаверди.

Бешинчи йилдирки, истиқлол деб аталмиш нурафшон йўлдан қаддимиз тик, бошимиз ғоз ҳолда одим ташлаб бораётирмиз. Бўлаётган катта ўзгаришлардан, шу жумладан, савдо соҳасидаги туб бурилишлардан барчабарча хурсанд. Магазин-дўконлар кўзни қамаштирадиган молларга борган сари тўлиб боряпти. Бозорларимизни айтмайсизми — ҳатто энг бой мамлакатлардан келганлар ҳам биздаги тўкин-сочинликни кўриб ҳайратларини яшира олмаётирлар. Булар билан фахрлансак арзийди.

Лекин савдо маданиятига келсак, юқорида айтганимиздек, аввалги замоннинг қўланкаси ҳали йўқолганича йўқ. Бу табиий, албатта, Бунинг учун кишиларимиз руҳияти ўзгариши керак. Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаётганидек, ишларимиз рисоладек юришиб кетмоғи учун, аввало, одамларимиз онгини ўзгартиришимиз керак. Бу эса қисқа муддатда амалга ошадиган нарса эмас, бунинг учун вақт, айни пайтда қунт зарур. Моллар кўпайиб, рақобат юзага келгач, муҳитнинг ўзи савдогарларимиз руҳиятига ўзгартиришлар киритади. Муомала ҳам, маданият ҳам ўзгаради. Бошқа иложи йўқ. Мен бунга аминман. Тўнг кишидан харидорлар четлаб ўтадиган бўлгач, унинг ҳам бошқа иложи қолмайди. Ҳаётнинг ўзи мажбур қилади. Истайдими-истамайдими «келиб турингглар», деган сўзларга ҳам тили келиб қолади. Вақт ўтгач, уни ҳам бошқа дўкондорлар каби икки қўли кўксида ҳолатида кўрасиз. Ҳали шундай кунлар келадики, ўшанда бизда ҳам харидор «қирол» бўлиб қолади. Мени айтди дерсиз.

Бир оддий харидорнинг савдо шахобчаларини айланиб, ундан олган таассуротлари ва улардан келиб чиққан мулоҳазалари шулардан иборат.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

«Сочларим толим-толим...»

Эргаш ҚУЛМУРОДОВ олган сурат-лавҳаси.

ТАБОБАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти билан ҳамкорликда «Табобат ва маънавият» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Уни марказ раҳбари Неъмат Аминов қисқача кириш сўзи билан очди.

Суҳбатда ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов, олимлардан Носир Аҳмедов, Ўрол Обилов, Бахтиёр Тўраев, Зиёдулла Давронов, Турғунбой Соксонов ва бошқалар сўзга чиқишди. Улар тиббиётнинг маънавиятга алоқадор жиҳатлари ҳақида гапиришди. Айни вақтда шифокор билимдон, иймон-эътиқодли, инсофли, маънавий гўзал, адабиёт ва санъатнинг мухлиси бўлиши лозимлигини уқтиришди.

Давра суҳбати охирида тўпланганларнинг кўпгина саволларига жавоб берилди.

Юнус ЗИЁДОВ.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

МЕҲНАТДА СИНАЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Тошкентдаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти раиси, республика Олий Мажлиси депутати Абдуваҳоб Тошпўлатов етакчилигида қисқа вақт ичида корхона ҳиссадорлик жамиятига айланди. Маҳсулот тури кўпайиб, аввал фақат эркаклар костюмшими ишлаб чиқарилса, эндиликда аёллар плашлари, пальтоси, шунингдек, ўқувчилар учун костюмлар ҳам тайёрланаётганлигига тайёрланганда ҳам замонавий чет эл модаларидан қолишмаётганлигига гувоҳ бўлдим. Дарвоқе, бу ерда республика Мудофаа вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, миллий авиакомпания ходимлари учун ҳам махсус кийимлар тикиш йўлга қўйилипти.

Ушбу тармоқдаги кўплаб турдош корхона раҳбарлари «Аравамизни базўр судраяпмиз» деб айюҳаннос қилиб юрганида «Юлдуз» жамоаси қандай қилиб бунга эриша олди экан?

—Табиийки, ҳамма ҳам яхши яшасам, бой бўлсам,дастурхоним тўкин-сочин бўлса, деган умид билан яшайди. Ишчиларимизга имконият даражасида шароит яратдик, холос, — деб лўндасини айтди, Абдуваҳоб ака. — Яхши шароит яратилганда ишчи, хизматчининг хаёлида яратиш ишқи бўлади. Муҳими,у ана шунда катта даромад келтириш йўлларини излайди, ўйлайди ва шунга қараб иш юргазади.

Биз корхона иши билан танишар эканмиз, жамоадаги ҳар бир кишининг омади юришиб кетаётганлигини яққол кўрдик. Ўз навбатида ҳар бир ходим, ишчи гуё бир тану бир жондек кўринади. Улар янгича фикр билан ёндашиб, ички бозорни керак-сиз майда-чўйда нарсалар билан тўлдириш эмас,балки жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган тайёр, сифатли маҳсулотга эга бўлишни тўла тушунишган. Эндиликда корхона ишчилари ўз акциялари фоизларининг камайиб кетмаслигини ўйламоқдалар. Бу эса иш жараёнида ўзаро ҳамкорликдан ташқари акциядан тушадиган даромадни ошириш учун фақат сифатли маҳсулот етиштириш орқали амалга оширилмоқда. Хом ашёдан унумли фойдаланиш— сув,электр қуввати каби ресурсларни иқтисод қилишга талаб кучайган. Корхона раҳбари Абдуваҳоб Абдураҳмонович ҳам «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятига айлангач, акциялар сотиш бошлаб юборилганлигини айтиб қолди.

Корхонада 2 мингдан ошиқ ишчи-ходим хизмат қилмоқда. Уларнинг ўзлари ишлаётган корхона келажагига ишончи юксак бўлганлиги учун меҳнат аҳлига ажратилган ҳиссанинг 100 фоизини ишчиларнинг ўзлари сотиб олишмоқчи. Ҳатто янги-янги турдаги моллар ишлаб чиқаришмоқда. Замонавий урфдаги кийимлар молнинг сифатини яхшилаш улар учун биринчи галдаги вазифалигини ҳис этдик.

Корхона қуввати ўсиб бормоқда. Ойига 23000 дона маҳсулот тайёрланмоқда. Бу ерда ишланаётган хом ашёнинг 70 фоизи жун-газлама бўлиб, ойига ана шундай матодан ўртача 100 минг метр керак бўлади. Шу сифатли хом ашёни ҳам астасекин ўзларида тайёрлаш режасини ишлаб чиқишган.

Корхонанинг жойларда 20 га яқин фирма дўкони бўлиши харидорлар фикрини, хоҳиш-эҳтиёжини билишда асосий восита бўлмоқда. Мазкур фирма дўконлари ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 10 фоизини 20 фоизгача устама нарх билан аҳолига сотмоқда.

Ҳозирги пайтда тайёр маҳсулот харидоргир бўлмаса, корхонанинг аҳволини оғирлаштиради. Шу боисдан «Юлдуз» меҳнат аҳли тадбиркорлик ва замонавий техника билан илдам одимламоқда. Албатта, бунда корхона раҳбари Абдуваҳоб Тошпўлатовнинг ҳиссаси катта. У корхонанинг ҳақиқий маънодаги юлдуз бўлиб қолишида елиб-югурмоқда. Бу ерга асосан билимдон, касб маҳоратини илғаб оладиган ўз ишининг етук мутахассислари тўпланган. Яна бир гап — Абдуваҳоб ака бугун 60 ёшни қаршилади. Тадбиркор раҳбарни қутлуғ ёши билан биз ҳам табриклаймиз.

Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

НАМДАНАК ТОПИЛМАЛАРИ

Тошкент вилояти — қадимий маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Жумладан, вилоят ҳудудидан Буюк ипак йўли ўтган. Паркентдаги Намданак қишлоғининг ёши эса минг йилга тенг. Қазилмаларнинг далолат беришича, унинг ёши, бой ўтмиши, тарихда тутган ўрни, тепаликнинг қадимийлигини исботлаяпти. Аждодларимиздан IX асрда яшаган ал-Муқаддас ҳам тепалик хусусида муҳим ёдгорлик битиклар ёзиб қолдирган.

Намданакликлар ўз қишлоғи тарихи билан ғурурланишади, ёшларни ҳам ўз юртларига муҳаббат руҳида тарбиялайдилар. Яқинда шу қишлоқда яшовчи Асқар Дадахўжаев қадимий тепалик бағридан унча катта бўлмаган, чиройли ишланган қадимий сопол кўзача топди. Кўза мовий тусда бўлиб, мўъжизавий нақшинлари товус патидек товланади. Бу кўза ўрта асрнинг ноёб топилмаси. Унинг ҳамқишлоғи Мурод Аширов эса қадимий Эски тепа (у Намданакнинг чекка чегарасида жойлашган) остидан ер ости йўли ва қалъани «кашф» этди. Унинг баландлиги бир метрдан ортиқ. Ер ости йўли қишлоққача боради. Археологлар ҳали кўп қазиш, тадқиқот ишларини янада чуқурроқ ўзлаштириш ниятидалар.

Эски тепадаги бу ўтмишга алоқадор топилмалар унинг қадимда йирик маданият маркази, савдо йўли бўлганлигидан далолат. Асқар Дадахўжаев ўз топилмаси — қадимий кўзани маҳаллий ўлкани ўрганиш музейига топширди.

Павел СИЛИН.

ДИҚҚАТ: КИМ ОШДИ САВДОСИ!

1995 йил 27 декабрь куни Тошкент вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими Қибрай тумани ҳокимлигида

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

Ким ошди савдосига қуйидаги иншоотлар, ер майдонлари қўйилади.
Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари

1. Р. Мусамуҳамедов жамоа хўжалигидаги 5 та 600 кв.м. ер майдони бўлаклари.
Бошланғич нархи 30 минг сўм.
2. Қибрай жамоа хўжалиги 2-бўлимида жойлашган 10 та 400 кв.м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 20 минг сўм.
3. Қибрай жамоа хўжалиги 6-бўлимида жойлашган 10 та 400 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 20 минг сўм.
4. Қибрай қўрғонида жойлашган 5 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 50 минг сўм.
5. Дўрмон жамоа хўжалиги САНИИФ да жойлашган 15 та 600 кв.м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 40 минг сўм.
6. «Темир қадам» жамоа хўжалигида жойлашган 15 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 25 минг сўм.
7. «Турон» жамоа хўжалиги, Гулистон участкасида жойлашган 15 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
8. «Маданият» жамоа хўжалиги, меҳнат участкасида жойлашган 1 та 600 кв. м. ер майдони бўлаги.
Бошланғич нархи — 30 минг сўм.
9. «Маданият» жамоа хўжалиги қурилиш участкасида жойлашган 5 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
10. Бўраота жамоа хўжалиги, Май қишлоғида жойлашган (дала ҳовлига мос ерлар) 15 та 600 кв. м.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
11. Байтқўрғон жамоа хўжалиги, Қизил-Кўприк маҳалласида жойлашган 4 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
12. Байтқўрғон жамоа хўжалиги, Тоғай овул маҳалласида жойлашган 11 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
13. Т. Нормуҳамедов жамоа хўжалиги, «Янги ҳаёт» массивида жойлашган 8 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 25 минг сўм.
14. Т. Нормуҳамедов жамоа хўжалиги Мевазор мавзесида жойлашган 2 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.
15. Қизил Шалола хўжалигида жойлашган 4 та 600 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 25 минг сўм.
16. 36-ҳунар техника билим юрти ҳудудидаги 5 та 600 кв. м. ер майдони.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 30 минг сўм.

САВДО ДЎКОНЛАРИНИ ҚУРИШГА ҚУЛАЙ БЎЛГАН ҚУЙИДАГИ ЕР МАЙДОНИ БЎЛАКЛАРИНИ ҲАМ СОТИБ ОЛИНГ.

1. Қибрай жамоа хўжалиги Навоий кўчасидаги 1 та 200 кв. м. ер майдони бўлаги.
Бошланғич нархи— 16.600 сўм.
2. Байтқўрғон қишлоғи Ҳосилот кўчасидаги 7 та 144 кв. м. ер майдони бўлаклари.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 8000 сўм.
Қуйидаги сотиладиган иншоотлар;
1. Дўрмон қишлоғидаги хўжалик моллари дўкони.
Бошланғич нархи — 442 минг 85 сўм.
2. Р. Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалигидаги омборхона.
Бошланғич нархи — 140 минг сўм.
Қуйидаги қурилиши тугалланмаган объектлар;
1. Қибрай жамоа хўжалиги 5-бўлими ҳудудидаги 5 та коттеж.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 50 минг сўмдан 150 минг сўм,
2. Қибрай жамоа хўжалиги 4-бўлим ҳудудидаги 7 та коттеж.
Ҳар бирининг бошланғич нархи — 25 минг сўмдан 150 минг сўмгача.
3. Р. Мусамуҳамедов хўжалигидаги 2 қаватли ҳаммом биноси.
Бошланғич нархи — 258 минг 350 сўм.

Бўлғуси, умрбод мулк эгаларига, тадбиркорларга эслатма!

«Турон, «Ўрмон», Т. Нормуҳамедов жамоа хўжалиги ҳудудидаги ким ошди савдосига қўйилаётган ер майдонлари Тошкент халқа йўлига яқин бўлган унумдор, қулай жойларда!

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриш учун қўйилаётган ер майдонлари Тошкент -Чирчиқ шоҳ кўчаси бўйида жойлашган!

Бўраота хўжалиги томонидан қўйилаётган, Май қишлоғида жойлашган ер майдонлари «Зах» каналига туташ, оромбахш жойлардир!

Ким ошди савдосига қўйилаётган ер майдонларининг барчаси унумдор ерлар бўлиб муҳандислик тармоқларига жуда яқин жойлашган.

Имкониятни қўлдан бой берманг!

АРИЗАЛАР ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй, 3-қават.
Қибрай тумани ҳокимлиги биносида.
Ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.
Мурожаат учун телефонлар: (3712) 33-67-22, 36-27-70.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

«УЗУН ОЁҚЛАР»

(«Пачти» бўлган воқеа)

Ж-о-о-он биродар! Менинг-ку, бошим қотиб қолди. Сиз б-и- -и-р эслаб кўрингчи, каминанинг «Узун оёқлар» деган ҳикоясига кўзингиз тушмаганмиди? Йўқ, дейсизми? Тўғри! Ўзим ҳам ўқимаганман. Нега деганда, мен умуман оёқ ҳақида ҳеч нима ёзган эмасман. Тўғри, қўл тўғрисида ёзганман. Палакат босиб, қош, кўз, қулоқ, бурун, лаб ва бошқа бало-баттарлар ҳақида ҳам ёзган бўлишим мумкин... Аммо оёқ масаласида... Худо асрасин!

Шунақа-ку, каттак-о-он бир шаҳарда каттак-о-о-н мажлис ўтган бўлса, каттако-о-о-н мажлисда каттако-о-о-н нотиқ «фалончининг оёқ ҳақидаги нарсаси»ни азза-базза таҳлил қилган бўлса, устига-устак, ўша нутқ газеталарда чиққан бўлса, ўзинг ҳам иккиланиб қоларкансанда киши...

Келинг, бир чеккадан гапириб берақолай. Мен айтай, сиз эшитинг...

Ғалати замонлар эди. Ноинсоф эр гулдек хотинига пайпоқ, тоес колготка олиб бермаса, масаласи мажлисга қўйиладиган, протокол «иккинчи она тили»да ёзиладиган кезлар эди. Шундай кунларнинг бирида биз «ёш, умидли» ёзувчини олис вилоятлардан бирига таклиф қилиб қолишди. (Қаранг, колхозчилар, одам қуригандек, биз билан суҳбатлашгиси кепқопти).

Бордик, обший вагонга ўтириб. Кечаси билан вагон йўлагидаги шовқин-суронлар, ҳамхоналарнинг хуррак, йўтал, эснаш ва яна анча табиий ва нотабиий товушларидан бош ғум бўлса-да, машъал хўжаликка дадил кириб бордик.

Раис бова ёши қайтиб қолган, пишиққина одам экан. Тўйнинг ичида чалларни ҳам ўтказиб юборгиси келдими, камина билан учрашувни хўжаликнинг «атчўтний сабраний»сига қўшиб юбора қолди. Зал тўла одам. Чироқлар машъала. Саҳнада, алвон ёпилган стол ортида ўтирибмиз. Раис бованинг ёнида...

Раис бова жон куйдириб, нутқ ирод этиб ётибди. (Ора-чора қоғозга ҳам қараб қўяди):

— Тавариш калхозники! Наш калхоз Красний актабр — передавой! Пилон хлопок исто десит прасан гатоп! Кажний гектар тридцат пет центр ес! Кажний баран два ребонка ес! Кажний куриса исто петсат яичка. Пилон миноград — гатоп! Пилон живот... живот... живот...—Раис бова уёғига тили келишмай, тутилиб қолди. Терлаб кетди, шўрлик! Киссасидаги рўмолчасини чиқариб пешонасини артди.

Секин тирсагига туртдим.

— Ўзбекча гапириб қўяқолинг, — дедим раҳмим келиб. — Ўтирганлар ҳаммаси ўзбек-ку!

— Иби! — раис бова менга норозиланиб қаради. — Бу залга тавариш Пак ўтирибди. Шоли бригад!

Ўртароқ қаторда ўтирган пак-пакана Пак ўз исмини эшитиб дик этиб турди.

— Раис бова! — деди ингичка, янгроқ овозда. — Акун, мен ўзбекчани ўрисчадан яхши тушунопман. Ўзбекча гапиринг, охе!

— Иби! — деди раис бова. — Атчўтний собраний бўлопти, тавариш Пак! Пиротокол ёзилопти!...Шундай қилиб десангиз, тавариш колхозники, кажний карова кажний гут олти юз литр молоко ес!

Иследуший гут...

... Бугапларни унутиб юборган бўлардим-ку, икки кундан кейин ишга келсам, ҳамхонам башараси баркашдек ёйилиб, сўраб қолди:

— Оёқ бўйича мутахассис бўпсанми?

Ҳеч балога тушунмай турган эдим, қўлимга газета тутқазди. Газетада ёзилишича, ка-а-а-тта идорада ка-а-ат-та мажлис бўпти. Ка-а-атта мажлисда ка-а-атта «тавариш» нутқ сўзлабди. Нутқида каминанинг «Узун оёқлар» деган ҳикоясини анчагина мақтабди. «Ёз ёзувчи» (яъни биз) ҳаётни синчиклаб кузатган эмишмиз. Аммо асарнинг камчиликлари ҳам бор экан. Муаллиф (яъни биз) замонавий оёқларнинг аҳамиятини янада чуқурроқ очишимиз керак экан.

— Шунча пайтгача нечта оёқни қўлдан ўтказдинг? — деди ҳамхонам афти баттар ялпайиб.

« Узун оёқлар» деган нарса ёзган бўлсам, ҳар нима бўлай! Бироқ ўша кундан бошлаб оёқларга ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Нуқул атлас кўйлак, мини юбка, макси юбка тагидан чиқиб турган оёқларга қарайман. Э, биродар! Дунёда оёқнинг тури ҳам кўп бўларкан! Узун, қисқа, дўмбоқ, қилтириқ... Филсимон, эчкимижоз...

Фақат «Узун оёқлар» қаёқдан пайдо бўлганига ҳеч ақлим етмас эди. .. Бир куни кутубхонамни титкилаб ўтирсам, «Узун кечалар» деган китобим чиқиб қолди. Шунда кўзим ярқ этиб очилиб кетгандек бўлди. Воқеа бундай бўлган. Каттак-о-он мажлисда нутқ ирод қиладиган каттако—о-н нотиқ маъруза ёзишни «кичкинавой» ходимига топширган. «Кичкинавой» ходим тасодифан менинг китобимга кўзи тушиб қолган. Албатта, китобни ўқишга вақти бўлмаган. Аммо мисол учунгина «Узун кечалар» деган китобни ҳам санаб ўтган.

Калхўзнинг «Атчўтний собраний»си «иккинчи она тили»да ўтказиб турилган пайтда катакко-он мажлисда гўрни «биринчи она тили»да гапириб бўладими? Нутқ «иккинчи она тили»да ёзилган. Матн кўчирувчининг саводи аннақароқ бўлганми, ё шошилганми, хуллас «Длинные ночи» деган сўз «длинные ноги» бўлиб қолган. Мажлисдан кейин нутқ тағин биринчи она тилига ўгирилган. Шундай қилиб йўқ ердан «узун оёқлар» ўсиб чиққан! Тамом—вассалом!

Узундан-узоқ кечалар билан узундан-узун оёқларнинг алоқасини сиз ҳам билиб олдингизми, биродар? Баракалла!

Қўнғироқ

АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ...

Яқинда шух, тиниб-тинчимас, ўзича чулдираб, бир гапириб, ўн куладиган 3 ёшли қизчам тўсатдан ўзгариб қолди. Чой, нон, овқат у ёқда турсин, ҳатто ўзи ҳамиша «Олиб беринг», деб қистайдиган хорижнинг ялтироқ қоғозлик шоколадларига ҳам қарамай қўйди. Сал ҳаракат қилар-қилмас, дарров ётиб олади. Ўша куни кундузи боғчада қайт қилган экан. Боғча опалари бир парча қоғозга «Албатта, дўхтирга курсатинглар», деб ёзиб юборишибди.

Эртаси куни эрталаб онаси қизчамизни Миробод тумани 2-болалар поликлиникасига олиб борса, бизнинг яшаш жойимизга биркитилган врач йўқ экан. Йўлланмани врач Марина Яковлевна Ким номига ёзиб беришибди. Марина Ким болани кўриб, уни қайт қилганлигини эшитиб, пинагини ҳам бузмабди. Текшириш учун қон топширайликми, деган саволга «ҳожати йўқ, ёмон овқат еган бўлса керак, уч-тўрт кун парҳез қилинглар», деб, бамайлихотир маслаҳат берибди.

Орадан уч кун ўтиб, врач Дилшода Турсунметова болани кўриб, касаллик варақасини ёпиб берибди. Онаси: «Қизимнинг кайфияти йўқ, қон топширайлик, рухсатнома ёзиб беринг», деб минг тавалло қилса ҳам, «Душанба куни келинглар, ўзларингнинг врачларинг ёзиб беради», дея қутилибди. Қизчамизнинг аллақандай ички дарддан ҳорғин чеҳрасига боқиб, эзилиб, шанба-якшанбани бир аҳволда ўтказдик.

Фарзандинг бетоб бўлмасин экан. Душанба куни ишга бормадим. Поликлиникага чиқдим. Бир амаллаб қизчамизнинг пешоб ва қонини текширишга топширдик. «Икки кундан кейин хабар олинглар», дейишди. Сариқ бўлса, ўтказиб қўймайлик, деган хавотирда шу ерда талабаларга амалиётдан сабоқ бераётган доцент Мамлакат Тўлаганова-га мурожаат қилдик. Мамлакат опа жуда куйинчак аёл экан. Боланинг жигаридаги шишни сезиб, бир пасда пешобини текширтириб, аниқ ташҳис қўйдилар: гепатит. Поликлиника раҳбарлари уйга бориб махсус тиббий машинани кутишимиз лозимлигини айтишди. Ҳозир касалхоналарда жой йўқ, балким бугун машина ҳам бормаслиги мумкин, деб қўшиб ҳам қўйишди. Айтганларидек, ўша куни ҳеч ким келмади. Эртаси, индинига ҳам. Чамаси юқумли касаллик билан оғриган бемор шифокорларнинг ёдидан чиқиб қолганди. Яхшиям яқинлар, ўз касбига садоқатли шифокорлар ҳам бор. Болани Бўкага олиб бориб, даволатдик. Шукурки, бир ҳафтага қолмай аҳволи анча яхшиланди. Уйга келиб, яна қон топширдик. Нозик бармоқчаси ғалати ўткир тиг билан тешилавериб зада бўлган қизчамиз кўп йиғлади. Қурқувдан қалт-қалт титради. Начора? Бир амаллаб қон олишди. Натижасини билиш учун икки кундан сўнг келишимизни (Бўка поликлиникасида икки соатда аниқлашганди) айтишди. Айтилган куни эса «Қон ивиб қолибди, бошқатдан топширинглар» деб туришибди. Жуда алам қилди. Бемор тақдирига шунчалик ҳам бепарволик, нописандлик бўладими? Соғлом авлод учун катта-ю кичик, ҳамма бирдек жон куйдираётган бир пайтда 2-болалар поликлиникасидаги бу аҳволга, сансалорликка қандай баҳо бериш мумкин? Биз, ўзимизча, бу ерга қайта қадам босмасликка қарор қилдик. Аммо минг афсуски, дард бизнинг измимизда юрмайди-да...

Сирожиддин РАУПОВ,
Тошкент шаҳри.

ҚИЗИМ, СЕН ҲАМ ЭШИТ...

Қалампирмунчоқ оғиз ҳидини ёқимли қилади.

***

Олтинни оғизда ушлаб турилса, оғизнинг ёмон ҳидини кетказади.

***

Куйдирилган туз тишни тошлардан тозалайди, қонталашни кетказади.

***

Пиёз юзга суртилса қизартиради. Уруғи доғни кетказади. Уруғи туз билан қўшиб ишлатилса, сўгалларни кетказади.

***

Сут шакар билан ичилса, юз чиройли бўлади.

Исмоил САЛИМОВ

Ёшларнинг мураббийси, 1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиси, Исмоил Салимов 1995 йил 17 декабрда 85 ёшида вафот этди.

Исмоил Салимов 1910 йилда туғилган. Меҳнат фаолиятини 1924 йилда бошлаб, 1934—1937 йилларда Миркомил Миршаропов қўмондон бўлган ўзбек отлиқ дивизиясида хизмат қилди. 1942 йили Москвадаги Ҳарбий академияда ўқиди.

1942—1944 йилларда Ғарбий, Марказий, Брянск ва Белоруссия фронтларида қатнашди, оғир ярадор бўлди, Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

И. Салимовнинг бу жасоратларини Адҳам Раҳмат «Казак из Ташкента» асарида мукаммал ифода этган. Фронтдан қайтиб келгач, И. Салимов республика қишлоқ хўжалик вазирининг муовини, Назорат вазирлигида, балиқчилик бош бошқармасида, Давлат режалаштириш қўмитасида, республика Министрлар Кенгашида масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Исмоил Салимов қаерда ва қайси лавозимда меҳнат қилмасин, ишда ўзига ва қўл остидаги хизматчиларга талабчан, масъулиятли ва ғамхўр раҳбар, ҳақиқий инсон сифатида ўзини кўрсатди.

Ҳалол меҳнати ва фидойилиги билан И. Салимов республика фахрийлари ўртасида катта обрў ва ҳурматга сазовор бўлди, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ҳақиқий инсон Исмоил Салимовнинг ёркин хотираси доимо қалбимизда сақланади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ.

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» бошқаруви ва жамоаси концерн бошқаруви раиси М. А. Абдуллаевга онаси **Сожида ШАРИПОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Машҳур "БЕТА" халқаро ўртоқлик фирмаси кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда Цейлоннинг олий навли чойларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан дунёда маълум ва машҳурдир.

Машҳур чой турлари:

BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ), **BETA TEA** (БЕТА ЧОЙ), **HOWDAH TEA** (ХОУДАХ ЧОЙ)

Шоколад турлари:

GOLD GRAND (ГОЛД гранд), **MONDIL** (МОНДИАЛ)









"БЕТА" Ўзбекистон аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 119.
Телефонлар: 48-04-97, 48-05-10. Факс: 48-09-90.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД" *Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.*

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0546.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.